

**STATUS REGISTRATION OFFICES IN UZBEKISTAN*****Khurshida D. Tillakhodjaeva****Senior Lecturer**Tashkent State Technical University named after I.Karimov*trhurshida@bk.ru**ABOUT ARTICLE**

Key words: coup d'état, Turkestan, decree, civil marriage, People's Commissariat, Uzbek SSR, family, marriage, code, act, registry office

Received: 04.01.22**Accepted:** 10.01.22**Published:** 15.01.22

Abstract: This article highlights the problems and prospects of the initial activities of the registry office in Uzbekistan during the Soviet era. It also shows that the process of their implementation and the initial difficulties and obstacles after the publication of the basic laws in this area, the first laws of the Soviet state on marriage and family have legal force to register all natural affairs.

ЎЗБЕКИСТОНДА ФХДЁ ИДОРАЛАРИ ДАСТЛАБКИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҚАЙД ЭТИЛИШИ***Хуршида Д. Тиллаходжаева****И.Каримов номли ТДТУ, камта ўқитувчи*trhurshida@bk.ru**МАҚОЛА ҲАҚИДА**

Калит сўзлар: Давлат тўнтирилиши, Туркистон, декрет, фуқаролик никоҳи, Халқ Комиссариати, Ўзбекистон ССР, оила, никоҳ, кодекс, далолатнома, ФХДЁ

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда Совет даврида фуқаролик ҳолатларини қайд этиш органлари дастлабки фаолиятининг муаммолари ва истиқболли ишлари ёрқини намоён этилади. Шунингдек ушбу соҳа бўйича эълон қилинган асосий қонунлардан сўнг уларни ҳаётга тадбиқ этиш жараёни ва дастлабки қийинчилик ва тўсиқлар, Совет давлатининг никоҳ ва оила тўғрисидаги дастлабки қонунлари барча табиий ҳолатларни рўйхатга олиш қонуний кучга эга бўлганлигини кўрсатади.

**РЕГИСТРАЦИЯ ПЕРВИЧНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ЗАГС В
УЗБЕКИСТАНЕ**

Хуршида Д. Тиллаходжаева

старший преподаватель Ташкентского государственного технического университета имени И. Каримова
trhurshida@bk.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Государственный переворот, Туркестан, декрет, гражданский брак, Наркомат, Узбекская ССР, семья, брак, кодекс, акт, ЗАГС

Аннотация: В данной статье освещаются проблемы и перспективы первоначальной деятельности органов ЗАГСа в Узбекистане в советское время. Это также показывает, что процесс их реализации и начальные трудности и препятствия после публикации основных законов в этой области, первые законы Советского государства о браке и семье имеют юридическую силу для регистрации всех естественных дел.

КИРИШ

Жамият тараққиётининг барча босқичларида никоҳ ва оила шакллари жамиятнинг моддий шароитига қараб белгиланиб келган.

Октябр давлат тўнтаришини содир этган ишчилар синфи тўнтаришининг илк кунларидан социалистик асосдаги никоҳ ва оила қонунчилиги масаласида ҳам маълум ўзгаришлар қилишга киришди.

Туркистон ўлкасида никоҳ-оила муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилиш учун ахоли ўтрок жойларда ва шаҳарларда қозилик судлари, қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқ ҳалқлари ўртасида эса бий судлари иш олиб борган. Совет давлатиниг фуқаролик ҳолатларини рўйхатга олиш тўғрисидаги қонунлари рўйхатга олиш идораларини ташкил этиш Туркистон ўлкасига ҳам кириб келди ва кейинчалик Ўзбекистонда ҳам ФХДЁ органлари ўз фаолиятини давом эттириди.

АСОСИЙ ҚИСМ

1917 йил декабр ойида совет ҳукуматининг иккита декрети эълон қилинди. “Фуқаролик никоҳи, болалар ва фуқаролик ҳолатларини қайд этишни олиб бориш” ва “Никоҳдан ажралиш тўғрисида” декретлардир [1;160].

Совет оила ҳуқуқининг тарихи шулардан бошланади. Буларда совет давлатидаги никоҳ ва оила тамойиллари ифодаланиб, кейинчалик унча ўзгартирилмай амалдаги ҳуқуқда ўз ифодасини топди. Совет давлатининг никоҳ ва оила тўғрисидаги дастлабки декретларида гўё совет фуқаролари, миллат, ирқи ва динга муносабатидан катъи назар, қонун олдида тенг ҳуқуқлиги ўрнатилиб, кейинги қонунлар бу принципнинг бузилмай амалга оширилишини таъминлаган [2; 13].

Ўша даврда яъни 1918 йил 12 март кунидаги Туркистон ўлкаси фуқаролик-маъмурий бошқаруви Буйруғига асосан Фуқаролик никоҳи, болалар, холат далолатномалари китобларининг юритилиши тўғрисида 106 –сонли буйруқ эълон қилинади. Шаҳар ва волост бўлимларида, маҳаллий шаҳар округларида тез орада никоҳ, туғилиш ва ўлимни рўйхатга олиш бўлимларини ташкил қилиш тўғрисида Советлар ижроия қўмитасининг қарори эълон қилинди. Шунингдек Халқ Комиссариати котибияти тасдиги билан маълум бир шаҳарда, қишлоқ, волост, уездларда никоҳ тўғрисидаги ёзувлар бўлимлари очилган кундан бошлаб, никоҳлар, ўлим ва туғилиш тўғрисидаги ёзувлар қонуний кучга эга бўлади. Никоҳ, туғилиш ва ўлим тўғрисидаги барча ёзувлар тегишли муассасалар ва шахслар томонидан амалга ошириладиган бўлди [3;14].

Туркистон Республикаси бўйлаб РСФСРда оила, никоҳ ва фуқаролик холатларини рўйхатга олиш ҳақида чиқарилган кўплаб қонун, фармон ва қарорлар эълон қилинади ва Туркистон ўлкаси Адлия ишлари бўйича Халқ Комиссарлигига ва Марказий Ижроя Қўмитасига ижро учун юклатилади. Буларга 1917 йил декабрда эълон қилинган ”Никоҳ, оила ва васийлик тўғрисидаги қонунлар кодекси”, 1918 йилда чиқкан “Фуқаролик ҳолати далолатномалари тўғрисидаги қонунлар кодекси” кабилалар киради. Ушбу қонунлар ижросини бажариш ва ҳаётга тадбик этишни Туркистон ўлкасида ҳам таъминлаш мақсадида марказдан “тажрибали” инструкторлар юборилади. Туркистоннинг барча округ, волостларга тегишли соҳа вакиллари келиб, маҳаллий аҳоли билан танишиб, фуқаролик ҳолатларини рўйхатга олиш ишларини билан таништириб борадилар. Лекин маҳаллий мусульмон аҳлини ушбу жараёнлар билан таништириш ва шариат қоидаларига асосланган диний урф-одатлардан воз кечиб, дарров бундай тартиб-коидаларга бўйусундириш қийин ва нотўғри эканлигини билган ҳолда аста секинлик билан тушунтириш ишлари олиб борилади ва айрим шариат қоидалари ва одатлари амалда қолдирилади.

ЎзССР ички ишлар Халқ комиссариати томонидан Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарёда, Хоразм вилояти аҳолисининг табиий ҳодисаларини ҳисобга олиш ва рўйхатга олиш тизимининг жорий этилиши ҳақида кўрсатмалар бериб борилади.

Бу вилоятларда 1919 йилдан бошлаб фуқаролик ҳолати далолатномалари тўғрисидаги қонунлар кодекси асосида аҳолини рўйхатга олиш жорий этилган.

Агар Туркистон шароитида фуқаролик ҳолати қайдлари иши жуда суст ривожланганини кўрсак, унинг асосий сабаби асосан, аҳолининг мусульмон рухонийлари таъсири остида бўлганлиги ва қонуннинг туб аҳоли одат қонунига зид келгани туфайли эди. Ҳақиқий вазиятни ҳисобга олган ҳолда ушбу соҳада яхши муваффакиятга эришиш учун ёзувлар ишини мусульмон рухонийлари вакилларига жорий этишни топшириш

кераклиги тўғри деб топилган. Ишни черков руҳонийларига ишониб топшириш уларнинг таъсирини янада мустаҳкамлайди лекин халқ оммасининг ғоявий озодлиги учун уларга қарши курашда катта қийинчиликлар туғдиради.

Миллий-одатий маросимларни амалга кўлланиши фуқаролик ҳолати далолатномаси тўғрисидаги қонунлар кодекси ва черковни давлатдан ажратиш тўғрисидаги фармон талабини бузарди. Шунинг учун рўйхатга олиш ишларини мусулмон руҳонийлари вакилларига тўлалигига бериш мумкин эмас эди [4;5-6].

Шунингдек улар тақдим этадиган ҳужжатлар юридик кучга эга бўлмасди. ФХДЁ органлари раҳбарлари лавозимига аҳоли орасида ҳурматга эга бўлган ўқитувчилар, қозилар ва саводли шахсларни жалб этишни тавсия этилади.

Биринчи навбатда аҳолини рўйхатга олиш ишларини бошлаш учун

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатдан ўтказиш идораларни ташкил этиш ишлари бошланиб, ушбу идораларда рўйхатдан ўтказиш китоблари алоҳида юритиш тартибига солинади, булар:

- Туғилганларни қайд этиш китоби
- Ўлимни қайд этиш китоби
- Никоҳни қайд этиш китоби
- Никоҳларни тугатиш китоби
- Фамилияни ўзgartириш
- Фарзандликка олиш китоби

Ушбу қайд этиш ишларида ўчириб тўғирлаш ва қисқартиришга йўл қўйилмайди. Бу ишларга жуда жиддий қарашиб талаб этилиб, агар талабгорлар саводсиз бўлса, ҳар бир ёзув икки саводли талабгор томонидан имзоланиши керак бўлади.

Ҳар бир далолатнома китобида ёзувни алифбо тартибида сақлаш талаб этилади. Қайд китобларини сақлаш ва сертификатларни беришда хатога йўл қўймаслик талаб этилган ва бир нусхаси ФХДЁ архивига сақлаш учун олиб қўйилган. Эски йиғма китоблар рўйхатга олинган жойдаги ФХДЁ ташкилотининг архивларида сақланарди. Рўйхатга олиш идорасидаги рўйхатга олиш китобларининг сақлаш муддати камида 50 йил ёки 75 йил бўлиб, ундан кейин статистика идораларига ва марказий архивларга сақлаш учун топширилган.

Фуқаролик ҳолати далолатномалари гувоҳномалари.

Ёзувларни тузатиш ҳақида.

Ўлганларни қайд этишни тиклаш.

Ўлимни қайд этишни ёзувларни тиклаш.

Туғилиш ёзувларни тиклаш.

Никоҳ ва никоҳни тугатиш қайдномаларини тиклаш .

Фуқаролик ҳолати ҳужжатларини четдан талаб қилиш ва чет элга юбориш тартиби тўғрисида каби ҳужжатлар [5;12].

Иттифоқ Марказий Ижроия Кўмитаси, Туркистон Марказий Ижроия Кўмитасининг 1923 йил феврал ойидаги ФХДЁ иши тўғрисидаги баёноти қабул килинди.

Унга кўра 1918 йил Адлия журналининг 1-сонида чоп этилган никоҳ ва оила васийликка олиш фуқаролик ҳолати далолатномалари тўғрисидаги қонун кодекси, Туркистонда 1919 йилнинг 2чи ярмидан бошлаб ишлай бошлади, рўйхатга олиш идорасининг барча иш фаолияти Марказий Федерация модели асосида давом эттирилди.

Тажрибадан шу маълум бўлдики, фуқаролик ҳужжатлари тўғрисидаги қонунлар маҳаллий аҳолининг маҳаллий яшаш шароитларига мослаштирилмагани, мутлақо амал қилмаслиги, фуқаролик рўйхатга олиш ишларига диний мулозимлар таъсири остидаги маҳаллий аҳоли шубҳа ва ишончсизлик билан қаралиши аниқ бўлди [6;25].

Кодекснинг дахлсизлигини 1921 йил охирида ҳисобга олинган ва фуқаролик рўйхатга олиш ишларини олдинга силтижитиш мақсадида Ички ишлар халк комиссариати Туркистон Республикаси барча Ижроия қўмиталарига комиссия ишга тўсқинлик қилаётган барча камчиликлар ва қийинчиликларнинг сабабларини кўриб чиқиши ва бартараф этиш таклифи билан чиқади.

Масалан, 1922 йилда ФХДЁ ҳузурида – 465 бўлим мавжуд бўлиб:

Никоҳ рўйхатга олиш-16525та,. Тугилганлк - 27724, ўлим-28877, ажралишлар-3199, фамилияга ўзгартиришлар-68, қайд этилган. Ушбу рақамлар фуқаролик рўйхатга олиш ишлари ҳар жиҳатдан оқсаётганлигини кўрсатарди.

1923 йил январ-август ойларида ТССР ҳукуматининг энг муҳим фармонлари, қарорлари ва фармойишлари тўплами эълон қилиниб, унда республикаси худудидаги барча қози ва бийларга “Қозилар тўғрисидаги Низом”ни, ХҚҚ қарори №167 23.12.1922 кўришни, "Туркестан хақиқати" №6даги ХҚҚ қарори № 3 6.01.1923йдаги, "Туркестан хақиқати" № 9сони уларнинг бўлимига оила ва никоҳ ҳуқуқи соҳасида келиб чиқадиган ишларни кўриб чиқиши тайинланади.

Қози судлари тўғрисида Низом ҳам эълон қилинади. Унга кўра судлар, қозилар ва биййлар фаолиятидаги кўп ҳолларда фуқаролик рўйхатга олиш – ФХДЁ фуқаролик рўйхатга олиш идораси фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиши мумкинлиги кўрсатилади [7;12].

Фуқаролик (Совет) никоҳи эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини келтириб чиқариши ФХДЁ тўғрисидаги қонун 52-моддасида келтирилган бўлиб, унга кўра судлар ишларини кўриб чиқишида фуқаролик тўғрисида никоҳни қайд этиш далилларини

(фуқаролик ФХДЁ китобидан кўчирма) талаб қилишлари керак. Бундай талаб никоҳ 20.12.1917й.дан сўнг тузилган бўлса амал қилиши мумкин эди [8;31].

1. Бу муддатдан олдинги никоҳлар учун никоҳ ҳақиқатини ўрнатишида мусулмонлар шариат қонунларига риоя қилишлари шарт бўлган.

2. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини фуқаролик рўйхатга олиш бўлимларида ўз вақтида қайд этиш судяга дарҳол мажбурият юклайди, чунки асос суд буйруғига асосланади. Шуни назарда тутилганки, қози ва бийлар фуқаролик рўйхатга олиш идораларига фамилияни ўзгартириш ҳақида, туғилиш, ўлим, йўқолишилик ҳолати, оталиқ, ҳақиқий эмаслик ва никоҳни бекор қилиш фактларини тан олиш ҳолатлари тўғрисидаги қарорнинг нусхаларини жўнатиб туришлари шарт эди. Қози ва бийлар бундай нусхаларни фармон кучга киргандан кейин 3 кундан кечиктирмай юборилиши керак бўлган.

Юқоридаги қоидаларни бузиш оғир жазоларга, шу жумладан Жиноят Кодексининг 106, 107, 118-моддалари бўйича судгача олиб келган [9;6].

Фуқаролик ҳолати далолатномалари 1920-йил 1-январгача мавжуд бўлмаган. 1 ноябрдан бошлаб рус ва мусулмон тилларида китоблар, кўрсатмалар, буйруқлар ва қонунлар кодексларини етказиб бериш чоралари кўрилди.

Республикада жами рўйхатга олинган ҳолатлар:

| Тугилган | Ўлим | Никоҳ | Ажралиш | Фамилияси ўзгаришлар | Йўқолганлар | Етим болалар |
|----------|------|-------|---------|----------------------|-------------|--------------|
| 8699 | 4891 | 5153 | 857 | 67 | 22 | 39 |

Натижаларга асосан, кўриниб турибдики рўйхатга олиш ишлари, тўлиқ эмас, хато олиб борилган [10;22].

Бу маълумотлар тўлиқ эмас ва туманларнинг ўзида туманда тузилган ФХДЁ ёзувлари ҳақида аниқ маълумотга эга эмас. ФХДЁ ташкилотининг ўзига қарашли бўйсунувчи тармоғи устидан тўлиқ назорат йўқлиги, баъзи ФХДЁ округларининг йўқлиги ва ишлар пала партиш ва режасиз олиб борилишига сабаб бўлади.

Келтирилган статистик маълумотларга кўра, туғилиш ва ўлимнинг анализини қўпол хатосиз амалга ошириш мутлақо мумкин эмас эди. Бу кўрсаткичларга кўра туғилиш даражаси -0.8% ва ўлим даражаси 0.45% ни ташкил этган. Коэффициентлар воқеликни аниқлигини ўзида акс эттирамайди.

Туман фуқаролик рўйхатга олиш идораларида маълумотлар олиш фақат жорий йил учун мумкин эди, уч ёки тўрт йил аввлги маълумотларни олиш иложи йўқ, чунки асос бўлиб хизмат қиласидиган ҳужжатларни ўзи йўқ эди.

Шундай қилиб, совет ҳокимияти дастлабки йилларида ФХДЁ органлари ходимларининг фаолиятидаги юқорида кўрсатилган маълумотлардан баъзи камчиликларни борлиги ва уларни бартараф этишда зарур шароит ва малакали кадрларни керак бўлганлии маълум бўлган экан.

Хулоса қилиб айтганда, Совет даврида Ўзбекистонда ФХДЁ органлари фаолияти 1919 йилдан бошланиб, ушбу жараёнда турли хатоларга йўл қўйиш, турли иш жихозларини етишмаслиги ва аҳолининг саводсизлиги қўп кузатилади. Йилдан йилга фаолият давомида камчиликларни бартараф этиш ва ўз устида ишлаш туфайли фуқаролик холатларини рўйхатга олиш ишлари ривожланиб борди ҳамда маҳаллий аҳоли ўртасида оммалашиб борди. Айниска совет даврида ФХДЁ органлариданги муаммо ва уларнинг ечими хусусида қўп ишлар олиб борилади. Ҳозирги даврга келиб эса унинг замонамизга яраша истиқболлари хусусида ҳам жуда қўп амалий-илмий ишлар олиб борилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Сборник Узаконений 1917.№11,160 б, №10, 152-б (Collection of Legislation 1917.No. 11,160 p, No. 10, 152-p)
2. Ўзбекистон ССР никоҳ ва оила кодексига шарҳлар Т.Ўзбекистон 1975. 13-б (Comments to the Code of Marriage and Family of the Uzbek SSR T. Uzbekistan 1975 13-p.)
3. Фонд-39.Опись-1.Хужжат-72.14варап (Fund-39.Description-1 Document-72.14page)
4. Фонд-86.Опись № 1. X-2137. 5-6в (Fund-86. Inventory No. 1. Document-2137. 5-6 pages)
5. Р-39.Опись-2. Хужжат-611.12б. Fund-39. (Inventory No. 2. Document-611. 12- pages)
6. Собрание узаконения от 1922г.Изд.НКЮ. 25с.(Collection of legalizations from 1922. Publishing house of the People's Committee of Justice. 25p)
7. 1-сонли Адлия комиссиясининг ахборотномаси 1916 й.12б. (Bulletin of the Commission of Justice No. 1 1916 12 p).
8. ФХДЁ тўғрисидаги қонун 52-модда. 31б. (Article 52 Law on Registration of Civil Status Acts. 31p)
9. "Түркестан хақиқати" №6,"Түркестан хақиқати" № 9. ("The Truth of Turkestan" №6, "The Truth of Turkestan" № 9).
10. Р-39.Опись-1,дело-219.22стр. (Fund-39.Opis-1, Case No. 219. 22 pages).